

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТОШКЕНТ,
САҒБОН КЎЧАСИ.

1991 йил
ОКТАБРЬ.



Суратчи Даврон АҲМАД

Жумҳуриятимизда «Махсум» хайрия савоб фирмаси тузилди. Мақсади Оролбўйида, оғир экологик шароитда яшаётган аҳолига хайр-эхсон кўрсатиб, топталган қадриятларни тиклашда фаолият кўрсатиш. Фирма аввало, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Жиззах вилоятларининг жамоалари томонидан эҳсон қилинган камёб нарсаларни Оролбўйи аҳолисига ҳада қилади. Ушбу хайрия тадбирида андижонлик

машҳур табиб Қодиржон Норбой Собиржон ўгли ўз шогирдлари билан қатнашади ва хаста кишиларни даволаш билан шуғулланади.

Хайрия маросимида қатнашиб, эзгу ишга ҳисса қўшишни истаган олижаноб кишиларни қуйидаги манзилга таклиф этамиз. Қорақалпоғистон, Беруний шаҳар, Ленин кўчаси, «Махсум» хайрия-савоб фирмаси. Беруний агробанки. Ҳисоб № 46831. Код. МФО. 73211. Телефон: 4-89-40. 4-92-10.

Савоб

Болалар жамғармаси қошида ташкил этилган «Доверия» хизмати болалар тарбияси билан шуғулланади. Бу ерда кенг миқёсда иш олиб борилади. Мақтаб-интернат — болалар уйларида ҳуқуқшунослар ва бошқа мутахассисларнинг консултациялари уюштирилади. Мақтабда, уйда, аҳоли орасида тартиб бузувчи, тарбияси оғир болалар билан алоҳида ишлар ташкил қилинади.

Масалан: июль ойида болалар уйи тарбияланувчилари билан жумҳуриятдаги олий ўқув юртлирида, техникумларда, билим юртлирида ўқибатган талабаларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳуқуқ ва имтиёзларини билмайдилар. Бизга ҳамма мурожаат қилиши мумкин. Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, хизмат ҳужалик ҳисобида олиб борилади. Фақат болалар уйларининг тарбияланувчилари ва ногирон болаларга бепул хизмат кўрсатилади.

ЕТТИ КУН

ТАНДИР

● Андижонда ҳашар билан қурилган жамоат тандири ишга тушди. Кўп-қаватли уйларда яшовчи аёллар унда навбати билан нон ёпиб олишлари мумкин. Ун тополсалар, албатта.

МУҲТАРАМ ЧАЙҚОВЧИЛАР!

● Шошилиниг, сиз донасини ўч сўмгача пуллаётган шприцнинг яқинда бозори касодга учрайди. Тошкентда йилгига 100 миллион донгача малҳамини ишлаб чиқарадиган қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

ХАЙРИЯТ!..

● Шаҳрисабзнинг Оқсаройида соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилажак ҳайкал пойиҳаси тасдиқланди.

ТЎҒРИ ЭКАН

● Ҳафталигимизнинг 2-сонида берган хабаримиз тўғри бўлиб чиқди: Польшадан Тошкентга картошка кела бошлади. Айтишларича, Варшавадан жами 100 минг тонна картошка келади. Аммо дўконга қараб шовилманг, маҳсулот янги йил арафасида сотувга чиқади. Қишда ейсиз.

БАЛИҚНИНГ БОШИ...

● Матбуот хабарларига қараганда, йилнинг бошида М. С. Горбачёв мамлакат олий мансабдор шахсларининг фаолиятини ҳуфёна текшириш ҳақида кўрсатма берган. Тайёрланган ҳужжатни кўришга муяссар бўлганлар даҳшатга тушишган. Собиқ ва ҳозирги раҳбарлар ўртасида фирибгарлик, шу даражага чиққан эканки, оддий фуқаронинг тушига ҳам кирмайди. Москвадаки шундай бўлса, ундан минглаб қақирим узокларда аҳвол қандай экан!

«ЖАЗМАНИНГИЗ БОРМИ!»

● Россия, Украина, Белорусь шаҳарларида яшовчи оилалик кишилар ўртасида ўтказилган бу сўровга 46 фоиз эркак ва аёл «Бор» деб жавоб берди. Қизиқ, ўзбеклар орасида ҳам шундай сўров ўтказилса, натижаси қандай бўлар экан!

КЕЙИНГИ, МАХСУС СОНДА:

● **САРИОСИЕ:** Нихоят мутахассислар тилга киришди.

● «**КЎРГАН АЗОБЛАРИМ ОЗ БЎЛСА, ЯНА КАМАЛИШГА ТАЙЕРМАН**». Эри ҳам, ўзи ҳам камалган аёл билан суҳбат.

● Муртазо **ҚАРШИБОЙ:** кимни алдаяпмиз?

● Муҳаббат ҳақида гўзал ҳикоя. Сиз бундай қизиқ ҳикояни яқин-орада ўқимагансиз!

● **МУТЛАҚО МАХФИЙ:** деворда ҳам қулук бор!

КЕП ҚОЛИНГ!

КИМГА ПУЛ КЕРАК?

Албатта, ҳаммага! «Оила ва жамият» таҳририяти, Сизга пул топишининг жуда осон йўлини таклиф қилади. Агар Сиз яшаши, ўқини, ишлаши жойингизда юз кишининг «Оила ва жамият»га обуна бўлишига эришсангиз — 75 сўм, минг фуқарога шундай ёрдам берсангиз — 750 сўм, ун минг инсон тарғиботингиздан баҳраманд бўлса — 7 минг 500 сўмни таҳририятимиз кассасидан **НАҚД ОЛИШИНГИЗ МУМКИН**. Обуна ташкилотлардан пул ўтказиш орқали қилинса, айниқса, жуда осон кўчади! Фақат обуна варақалари (пўчта муҳри билан тасдиқланган ҳолда, албатта) шахсан кўрсатилади. Мукофот 100 тадан ортиқ қвитанция тақдим этганларга берилади.

Марҳамат, пул ишланг.

Ҳафталигимизнинг бир йиллик обуна баҳоси — 10 сўм 56 тийин.

Индекси — 64654.

Манзилимиз: 700029. Тошкент—29. Намойишлар хиёбони —1 Метронинг «Мустақиллик майдони» бекати.

СИГИРГА ЭГАРМИ?

Тавба! Шуниси етмай турувди ўзи. Бу нима, майнавозчиликми! Дод деворсанг, одамлар жинни деб, ўйлашади. Ичингга ютсанг, сил бўласан. Ҳайрон бўлманг. Ҳалиги мурожаатларингизни, айтяпман. «Жаноблар ва хонимлар» эмиш. Билиб қўйинг, сигирга эгар урган билан уни миномайсиз. Ахир ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-да, айтилик, мухбирингиз, жойларда суҳбатлар ўтказяпти: «Жаноб («олийлари» эмас) қоровул...», «Жаноб молбоқар...» ёки «Сигирсоғар хонимлар...» ва ҳоказо. Ана ўзингизгаям кулгили туюла бошлади. Уялинг-е!

Гап шу. Агар ҳафтаномга бир мухлисидан (камнадан) айрилиб қолмасин десангиз, қайта бунақа, «жентельмен»ларнинг бацкана гапларини ёзиб юрманг.

Яна бир гап, озроқ кунт қилганларингизда, ота-боболаримизнинг болдай тотли мурожаатбон сўзларини топган бўлардингиз.


Исмимни аниқ ёзмайман:
И. Б.

ЖОНГА ТЕГДИ

Нимадир кемтикдай эди. «Оила ва жамият»нинг илк сонларини ўқидим. Кемтик бут бўлгандай. Рўзнома ўз ўрнини толди (ўрни бўш эди). Лекин, гап бунда эмас.

Рўзноманинг 3-сонига «Жаноблар ва хонимлар» деган мурожаатни ўқидим-у, енгил тортидим. Раҳмат сизларга. «Ўртоқлар» деб ёзмаганларингиз учун. Айб сўзда эмас. Узимизда. Барчага бирдай «Ўртоқ» дея мурожаат қилиб, аввало бу сўз иродалаётган муносабатни арзонлаштирдик, сониян ёлгончилик қилдик (ҳамма бир-бирига ўртоқ бўлолмайди!) Ҳатто, (кулгили) аёллар ЭРКАКларни, эркаклар АЁЛларни «ўртоқ» деб атай бошлади. Бу икки жинс ўртасида дўстлик бўлиши мумкин, муҳаббат бўлиши мумкин, ўртоқлик бўлмайди. Ўз жинсидаги кишиларгагина айта болада «жўра» ёки «дўгона» сингари. Хуллас, шу. Шукрки, рўзнома ажойиб иш қилибди. Табриклайман Сизни «Жаноблар ва хонимлар!»

Искандар ИКРОМОВ,
Ғаллаорол тумани



УЙҚУ БОСЯПТИ

Суратчи Н. ШАРИПОВ

ХАЙРИЯ

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлими томонидан кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларга 56 минг сўм, ногирон болаларга эса 12 донна маҳсус аравача тарқатилди.

Шунингдек бўлим Олмалик ва Чиноздаги мактаб-интернатларга 25 минг сўм пул ажратди. Ердამга муҳтож оилаларга сигир олиб бериш учун ҳар бир туманга 3 минг сўмдан пул юборилди.

Жамғарманинг Фарғона вилояти бўлими икки болалар боғчасига 2500 сўмдан пул ўтказди. Шунингдек, 10 та мактаб-интернат ва 6 та болалар уйи жамғарма ҳисобидан «Оила ва жамият» ҳафталигига бепул обдана қилинди.

РОССИЯ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ОЧИЛДИ

26 сентябрь куни Москвада Россия Болалар жамғармасини ташкил этиш ташаббус гуруҳининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Болалар жамғармасининг Россия ҳудудидаги 78 бўлиmidан вакиллар қатнашди. Улар Россия Болалар жамғармаси ташкил этилишини бир овоздан маъқулладилар ва ташкилотнинг Низомини қабул қилдилар.

27 сентябрда мустақил жумҳуриятларда Болалар жамғармаларининг раҳбарлари иштирокида анжуман бўлди. Унда Шўро Болалар жамғармасининг кейинги тақдир муҳокама қилинди. Муҳокама натижаларини навбатдаги сонлардан бирида ўқийсиз.

АСРАГИЛ

«Интерфакс» агентлигининг хабарига қараганда, шу йилнинг биринчи ярмида СССРда 16 минг қотиллик руй берган 32 минг киши ўз жонига ўзи қасд қилган. Улганлар орасида эркаклар аёлларга нисбатан бир неча баробар кўп.

Бу машъум ҳисоб-китобда минтақаларда қуйдагича намоён бўлади. Россия ва Эстонияда ҳар 100 минг аҳолига 26-27 ўзини-ўзи ўлдирувчи тўғри келса, Урта Осиё ва Кавказортида бу рақам 3-6 дан ошмайди.

Бандларингни бундай аянчли ўлимдан ўзинг асрагил.

Ажаб дунё

қизилди, цех ёниди. Муҳтарам ўғрилар! Бу воқеадан сабоқ чиқаринг.

ЭНГ БОЙ ОДАМ КИМ?

«Форчун» журнали жаҳондаги энг йирик мулкдорлар ҳақидаги йиллик анъанавий китобни чоп этди.

Утган йили жаҳондаги энг бой одам Бруней султони ҳисобланган эди. Унинг бисотидаги бойлик нефть ва газ иншоотлари, кредитлар, шунингдек, нақд 31 миллиард долларни ташкил этади. Жадвалда иккинчи бўлиб амриқолик «Уол-Март строс инк» компаниясининг асосчиси Сэм Уолтон тилга олинган. Унинг «жамғарма» баҳоси 21 миллиард доллар. Миллиардерлар ҳисобида 202 аёл бор. Уларнинг кўпчилиги АҚШда яшайди.

ХИЛВАТНИШИН

Москва шаҳри атрофидаги ҳўжаликлардан бирининг зироатиносси (агрономси) дада кезиб юраркан, каттагина тупроқ уюми диққатини тортди. Силниқлаб қараса, ертўла эканлиги аён бўлади. Миришаблар бу ердан 38 ёшли бир кишини топишди. Аниқлаштиришча, хилватнишин икки йил бурун йўз ўлими сабабсиз тарк этиб, дом-дараксиз йўқолишлар рўйатишга тушган. Утган вақт ичида у «қошониносси»дан унча узок бўлмаган шаҳар ахлатхонасидаги ташвиқиди эски-туски кийимлардан фойдаланишди. Бузук радиоприйимки унинг учун яхшигина эрмак бўлган. Узи олий маълумотли меканик эмасди, приимкини тўзатиб, мамлакатдаги,

ҳатто ҳориждаги энг сўнги янгиликлардан воқиф бўлиб турган.

ХАЗИНА

«Братский ЛПК» концернининг уч ишчиси бойлишини тоғдаб қолди,— деб ёзади «Труд» газетаси,— ва текширувчининқловчи аппаратининг ички қисмида қимматбаҳо металл бор, деган гаёла билан уни ўғирладилар. Кечқурун уччала шоввоз аппаратининг тит-титни чиқаришар экан, «хазина»ни. 137-цезий радиоактив моддани қўлага киритдилар. Олтин топилади, лекин «хазина» ишиша идишларга солиниб, цезийнинг овлоқроқ жойини яширилади. Натижада уларнинг ҳажмаслари ҳам қаттиқ парландилар. 13 киши шифохонага ёт-

Қандай яшаяпсиз!

Ўзбекистон халқ депутати, шоир Карим БАҲРИЕВ билан суҳбат



ОИЛА ТИНЧ БЎЛСА...

— Карим ака, сиз қандай сиёсатчи-сиз билмадим, лекин яхшигина шоир ва журналистсиз. Сиёсат билан шуғулланишингиз ижодий ишингизга зарар етказмаяптими!

— Менинг сиёсат билан шуғулланишим урғулик ҳамюртларимнинг депутат этиб сайлаганларидан бошланди. Номзодим кўйилишига қарши эдим, шунда дўстларим: Сизни одам деб шу ишни қилдик, ҳали-бери ўладиган эмассиз, беш-олти йил халқ учун ишланг, кейин китоб ёзаверасиз, дейишди. Сайлангач, ишлаш керак. Ташлаб кетишингиз иложи йўқ.

Шоирнинг сиёсат билан шуғулланиши тўғри эмас, аммо жамиятнинг ўзи тўғри бўлмагач, илож қанча. Ташбех билан айтсак, дейлик кимдир сувда чўкиб кетаётган бўлса, мен шоир бўлиб қирғоқдан унинг «нақадар гўзал, нақадар дилбар» чўкаётгани ҳақида шеър ёзишим керакми ёки аввал сувдаги вужудни қутқариб, кейин шеър ўқийми?..

Балки мен сиёсат денгизиде ноқобил «сузувчиديرман». Начора, қўлдан келганича...

— Карим ака, сиёсатдан жиндек йироқлашсак-да, шеърингизга қайтсак. Айтишадикки, биров май ичиб ёзади, яна биров... Сизга илҳом қай тарзда келади?

— Ҳайриятки, ижоднинг ҳоқимиятига бевосита алоқаси йўқ, энг оғир қатагон йилларида ҳам шеър ёзилган. Унинг ёзилиши ёмғирнинг ёғишига ўхшайди, ҳукумат қарори билан тўхтаиб бўлмайди.

Мен май шайдоси эмасман. Сўзининг жилвасидан кўпроқ кайф-сафо оламан.

— Сиз севган мавзу қайси! Муҳаббатми!

— Ёзганларимнинг кўпи муҳаббат мавзуда. Лекин мен севган мавзу... ўлим тўғриси. Муҳаббат ўлимдан юқори турадиган ягона тўғу. Шунинг учун у ҳақида ёзаётган ижодкор ўлимнинг устидан жилмайиб турган кишига ўхшайди.

— Оила хусусида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Менинг уч ойлик «тажрибам» бор, холос. Уйланганимга уч ой бўлди. Билганим шуки, кечиримли бўлайлик. Ҳаёт оғир, бардош талаб этувчи жараён. Шунинг учун эр-хотин иззат-талаб эмас, бир-бирининг юкини енгиллатувчи бўлса яхши эди... Жамият шу пайтгача ишлаб чиқаришини олдинга қўйди, бу — хато. Асосийси оила бўлмоғи керак. Оила тинч бўлмаса, жамият тинчимайди.

— Жумҳурият Олий Кенгашида ишлайсиз, шохона яшасангиз керак!..

— Эл қатори. Очликдан ўлмадим, тўқликдан ёрилмадим. Машинам йўқ, тўққиз қаватли уйнинг тўртинчи қаватида яшайман, телевизорим бор, видеомагнитофонга етишганимга йўқ. Депутатлик маошим — 150 сўм. Ўз аёлимнинг маоши билан етиб турибди. Биздаги бойлардан вақтирланш қондан чиқши керак. Жамиятда камбағаллар эмас, бойлар кўпайсин. Амриқода бойлар кўп, камбағаллари ҳам бизнинг бойлар қатори...

Ботир ЭРНАЗАРОВ суҳбатлашди.



МИРОНШОҲ МИРЗОНИНГ УЗУК-МУҲРИ



Ушбу сурат ва мақола матбуотда илк бор эълон қилинмоқда. Унда ҳали мозий-шуносларимиз ечиши керак бўлган жумбоқлар ҳам йўқ эмас. Шундай бўлса-да, бобомиз Амир Темурнинг оиласи, авлодлари, номи билан, демак, тарихимиз билан боғлиқ табаррук ашё сифатида уни чоп этишни лозим топдик. Фақат афсус билан таъкидлашимиз керакки, тарихимизга алоқадор бундай ноёб, қимматбаҳо дурдоналарнинг қанчадан-қанчаси босқинчилар томонидан талаб кетилган. Уларни ким, қачон қайтаради! Суратда кўриб турганингиз — табаррук узук ҳозир қаерда! Билмаймиз. Урисча ва форс тилларда битилган ушбу мақолани [жузъий қисқартиришлар билан] нашрга тайёрлаган ҳамкасбларимиз Асқар МАҲКАМ ва Азимбек УСМОНҒА миннатдорчилик билдирамаиз.

1885 йил Самарқанд шаҳрида мен Император Археологик комиссияси учун бироз маҳаллий осори-атиқаларни харид қилишга муяссар бўлдим. Улар орасида Темурнинг учинчи ўғли, Озарбайжон ҳокими, кейинчалик ақлдан озган дея номи чиққан Мироншоҳ Мирзонинг исми ёзилган саналган узук чиқиб қолди. Тарихан аҳамиятли ва нодир археологик топилдик эканлигига қарамасдан бу узук шу пайтгача эълон қилинмасдан келди. Сабоби, ўрта аср мусулмончилигига мансуб шу хилдаги ёдгорликлар унуман жуда кам. Русияда эса, қарийб йўқ деса ҳам бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўз вақтида бундай ёдгорликлар кўп бўлган, чунки шарқ мусулмонларида имзо ўрнига кўпича узукка ўрнатилиб ном ёзилган муҳр босиб урф бўлган. Татар (турк) хонларининг ёдгорликлари гоҳида унинг номи ёзилган узук, яъни йўзуқ нишонлиқ... билан тасдиқланган...

Мироншоҳ узугининг асосий қисмини муҳр ўрнида ишлатиш учун битиклари ўйиб ёзилган, юпқа, бодомсимон пластинка шаклидаги зумраддан ясалган лавҳача ёки улама ташкил қилади. Тош тилла гардишда беркитилган, артидан, улама янги бўлса керак. Фақат калҳарқасимон банд, кейин, балки яқин вақтларда қоларланган. Тилла билан тилла гардишнинг ранги бир-бирига мос келади...

Бодомсимон шаклдаги узук ва муҳрлар аслзолалар учун илтибоз бўлиб ундан фойдаланишга оддий одамларнинг ҳаққи бўлмаган. Бунинг биз фақат ўрта Осиёда эмас, балки бошқа жойларда ҳам кураими. Жумладан, Қрим хонлари ҳам бодомсимон шаклдаги муҳрга эга

бўлишган. Сўнгра уни Ширин беклари ўзлаштириб олганлар... Улар бошқа бекларга қараганда алоҳида мавқега эга бўлишган: хонлик ҳуқуқларидан деярли тўла фойдаланишган. Шунинг учун ҳам хон муҳрларининг шакли улар назаридан четда қолмаганлиги табиийдир. Улар бунинг таъминларида киритилган, фахрланган. Ғарбий Туркистонда бодомий муҳр фақат хонларда бўлган. 1878 йилнинг май ойида Хива шаҳри қўлга киритилгандан сўнг, Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфман томонидан мусодара қилинган хонлик хазинасида ҳам шу шаклдаги тилла муҳрлар учрайди. Ҳозир бу муҳрлар Император эрмитажининг ўрта аср бўлимида сақланмоқда.

Мироншоҳ узугидаги муҳр ёзув кўйидаги форсий матнга эга:

«Амир ал-умарои Озарбайжон Мирзо Мироншоҳ бинни амир соҳибқирон амир Темур Кўрагон 802» (мелодий 1399-1400 й.)

Бу ерда диққатни тортадиган энг муҳим нарса амир ал-умаро — амирлар амира унвонидир. Бу унвон илк марта Чигатай улусида жорий қилиниб, мартабаси ва ҳокимияти жиҳатидан Олтин ўрда хонлигига, яъни бош вазирга тенг бўлган. Бундан чиқди, Мироншоҳ, ва Темурнинг бошқа авлодлари ҳам биз ўйлаганимиздек, ўзларига ажратилган вилоятларга мулкдор ёки княз эмас, балки генерал-губернатор сингари амалдор киши сифатида иш юритганлар. Эътибор берсак, «Зафарнома»да Мироншоҳнинг юқоридаги унвони айтилмаган, балки нуқул амирзода дейилади. Ҳар ҳолда

Мироншоҳнинг қандай унвон билан Озарбайжонни бошқаришга киришганлигини «Зафарнома»га қараганда узук аниқроқ кўрсатади.

Муҳрда кўрсатилган ҳижрий 802 сана (мелодий 1399—1400 й.) Мироншоҳга Озарбайжон ва бошқа вилоятлар устидан ҳукмронлик қилиш топширилган вақтни кўрсатади. Аммо Шарафиддин бу воқеа етти йил олдин, яъни ҳижрий 795 йилда бўлиб ўтган, дейди. Унинг ҳикояси Осиё Музейидаги кўлэмаларга таянган ҳолда келтирилди... Ҳикоя сарлавҳаси кўйидагича:

«Хулағунох тахтини Музаффар соҳибқирон амирзода Мироншоҳга топширганлиги ҳақида...»

«Марҳаматли амир амирзода Мироншоҳга Озарбайжон, Рай, Дарбанд, Боки вилоятларини, Шарвон вилоятини, Гилён вилоятини унга қарашли (ерлар) ва Румгача бўлган жойларни берди. Саодатли амирзода Табрис, Султонга ва бошқа вилоятлардан муносиб совғалар ва ҳақлар олиб келди. Қандайлиги ва қанчалигини таърифлашга қалам ожизлик қилади! У томоша, ўйин-кулгилар билан тўй бошлаб бир неча кунни роҳат, шод-хуррамлик ва бозму ишратда ўтказди... Ун унчинчи кун сешанбада у (Темур) амирзода Мироншоҳни Қалғий томонга жўнатди...»

Ушбу воқеа тўғрисидаги маълумот Шарафиддин томонидан яна бошқа жойда, «Ҳазрат соҳибқирон амирзода Мироншоҳни Озарбайжонни бошқариш ҳамда Аланжи қалъасини қамал қилишга йўллагани ҳақида ҳикоя» бобида тақрирланади.

«Оқорида зикр қилганимиздек, соҳибқирон аъло ҳазратлари Озарбайжон тахтини ҳамда Боки Дарбанддан Богдоғача, Ҳамдандан Румгача бўлган вилоятларни бошқаришни амирзода Мироншоҳга топширди. Кимдир амирзодага яқин лашкарбоши ва аскарларни бутун Озарбайжонга олиб келиш учун жўнаб кетди. Шу пайтда, амирзода Озарбайжонни бошқаришга киришди, бундан ташқари Аланжи қалъасини қамал қилсин, деган фармони олий чиқди...» Бу ҳижрий 798 санада деб эслатиб ўтилди. (мелодий 1395-1396 йиллар).

Таржимадаги... биргина фарқ шундаки, «бу ҳақда юқорида зикр қилганимиздек» жумласи тушириб қолдирилган. Натижда, матнга мурожаат қилмасдан туриб Темур Озарбайжонни бошқаришни Мироншоҳга иккинчи марта топширган деб ҳам ўйлаш мумкин. Шундай қилиб, Мироншоҳ узугида неча 802 санаси кўрсатилганлиги жумбоқлигича қолмоқда.

Н. ВЕСЕЛОВСКИЙ.
(Кaufmannский сборник...
Москва 1910 й.)

Сурат ҳам ушбу китобдан олинди.

МУОМАЛА ОДОБИ

Инсонлар муносабатида неча хил муомала мавжудлиги ҳақидаги баҳсда фақиҳларнинг кўпчилиги, албатта бита, у ҳам бўлса мулоимлик ва хушмуомалалик жавобини қилдилар. Абу Толиб ҳазратларининг семимли шогирдлари баҳсга қўшилиб:

— Расулуллоҳ айтмишларки, баъзи бир сўзда сеҳр, баъзи бир шеърда (аслида муомалада) ҳикмат бордир. Демак, кишиларимиз муносабатида икки хил муомала бордир. Бир кексалар яна, яна бири теңкур ва ёшлар ила бўладиган муомаладир...

Шунда бир кексароқ фақиҳ ривоят сўзлабди:

— Мўйсафид ўғлининг қилган қаттиқ муомаласидан ранжибди. Кўнгли зил кетибди. Бу галги муомаласи унга жуда-жуда оғир ботибди. Аллоҳга астойдил нола қилибди:

— Эй парвардигор, қайси гуноҳларим учун мени бу азобга гирифторм қилдинг! Наҳот жонимдан ортиқ кўрган ўғлимдан бир оғиз ширин сўз эшитмай, армон билан кетсам!!

Расулуллоҳ шундай жавоб қилибдилар:

— Қиёмат кунинда одамларнинг энг ёмонроғи... — бузуқ гапдан сақланиш учун ўзларига қўшама қўйган одамдир. Сен бир бор ўғлининг ширин сўз билан аркаладдингми! Бир бор унга ширин муомалада бўлдингми! Ҳайрият фарзандинг, бузуқ йўлга кирмади, фосих қасбга қўл урмади, айби шулким одамлар ила муомала қилишни билмайдми... Сен унинг меҳнатини неъматидан баҳраманд бўлганингдан сўнггина, ўғлинг жонингга жо эканини англадинг!

Бу муомаланинг бир фазилатидир. Иккинчи бир фақиҳ шундай ривоятни сўзлабди:

— Бир-бирига ниҳоятда меҳрибон икки дўст узоқ сафарга чиқибдилар. Бирининг муомаласи фазилатли, иккинчисиникида эса баъзи қусурлар бор экан. Улар йўл азобидан фориғ бўлиш учун бир қарвонсаройга рўбарў бўлибдилар. Вақт алламаҳал бўлгани [Боши ўтган сонларда. Давоми бор]

учун соҳиб уларни саройга киритишга истиҳола қилибди. Иккинчи йигит дағал муомалада бўлиб, мезбоннинг дилига озор етказибди. Йигитларнинг тунда эшик қоқишларидан киритайли, киритмайми, дея иккиланиб турган жойда, бутунлай ман жавобини берди.

Четроқда турган биринчи йигит: — Соҳиб,— дебди жилмайиб, мулоимлик билан,— дўстимни афв элгайсиз. Узоқ йўл ўз таъсирини ўтказибди, чоғи, сизнинг покиза кўнглингизга азоб тиканини санчди. Ижозат берсангиз, мен шул тиканини олиб ташласам-да, дилингизга малҳам қўйсам...

Йигитнинг хушмуомаласидан соҳиб юмшабди:

— Сизнинг сўзларингиздан малҳам топдим...

Шу тариқа йигитлар роҳат-фаро-

миз кўнгли раъйимизга моънелик билдирмадилар. Севгилимнинг отаси ўз фарзандидек бағрига босди. Турмушимизнинг иккинчи йили шайтон вазвасаси аралашди, чоғи, ишларим орқага кетди. Кайфиятсиз юрган кунларим севгилимни бузуқ гаплар билан ранжитиб қўйдим. Илло, ишларим ўнганди. Аммо рафқам узрими қабул қилмади. Отасиникидан бағримга қайтишни истамади... Лекин, уни қаттиқ севаман!

Фақиҳ шундай жавоб қилибди: — Парвардигорим шундай насихат қилдилар. «Яхши кўрган кишининг ўртқароқ яхши кўр, балким, бир кун келиб у ёмон кўрганинг бўлиб қолиши мумкин.» Майли, сенга маслаҳатим, ерининг кўнглига мос совға ила хузурига бор, яхши муомалада бўл, фақат холи қолганларингга қондага мувофиқ узр сура...

АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

БҮСТОН УЛ-ОРИФИН

гатда тонг оттириб, яна йўлда давом этибдилар.

Учинчи бир фақиҳ кўйидаги ривоятни сўзлабди:

— Фақиҳ илмида донғи кетган хожанинг хузурига бир йигит келибди: — Тақсир, мушкулумни осон қилинг.

— Сўзла, ўғлим.

— Касбим наққош-дурадгор.

— Гулдай касбинг бор экан. Сени тарбия қилган отангга раҳмат...

— ... Бир нуфузли хонадоннинг хизматиде бўлдим. Соҳибнинг ойдек гули бор экан. Унга ишқим тушди. Аҳду-паймон қилдик. Ота-оналари-

... Абу Толиб ёнида ўтирган, таълим олмаққа келган йигитга шундай мурожаат қилди:

— Эй йўл, кўрдингким, муомала уч тонфага бўлунур! Бола билан ниҳоятда мулоими, майин муомалада бўл. Унинг кўнгли мўрт. Овозни сал баландласанг, синур... Синглинг, аёлиг билан вазиятга қараб ҳамсўбат бўл, асло бузуқ гаплар дилларингизни дарз қилмасан. Муомаланинг энг мўътабар ота-онага қилинур. Кўчада ҳар бир киши билан ота-онанга муомала қилгандек муносабатда бўлсанг, парвардигор [сени] домд ерлақайга

Одоб

МАШВАРАТДА ЎЗНИ ИРОДА ҚИЛМОҚ ОДОБИ ҲАҚИДА

Эй шогирд, устозинг иззат ила ўз дўстлари даврасига, уларнинг фазилатли сўхбатларидан баҳраманд этмоқ ниҳоятда ҳамроҳ айлади. Сен бу ҳурматинг қадрига етгин! Расулуллоҳ айтмишлар-ким, бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир! Фозиллар сўхбатида бўлмоқлик ҳам шу йўсиндир!

... Бир олим шогирди билан нуфузли анжуманга борибди. Машваратга турли илм арбоблари жамул-жам бўлибдилар. Баҳс-тортишув меърига етибди.

Фозиллардан бири муаммони бутунлай нотўғри талқин қилаётганидан ўзини тута олмаган шогирд бемаврид сўхбатга қўшилибди. Асос ва далиллар билан фикрининг мустабидлигини исботлади. Фозил киши ёш йигитнинг саяйи-ҳаракатидан изза бўлибди. Лекин ранжиганини сир-бой бермабди. Бу таъкид ўринли бўлса-да, сўхбатга совуқлик тушибди. Холи қолишганда устоз шогирдга шундай насихат қилибди:

— Расулуллоҳ шундай деганлар, «Катта ёшлар билан ўтиришинглар, олимлардан сўранглар, донолар билан аралашинглар». Бироқ бир фикрини таъкидлашдан олдин машваратнинг хусусиятига қараб, фазилатига қараб, сўз айтишга руҳсат сўранг, аввалдан узр сўранг. Сира-сира билмаган нарсангизни билмаман деб, гапдонлик қилманг. Изза бўлишдан ўзга натижага эришмайсиз.

Абу Толиб ривоятни тугатаркан, шогирдига ҳадисдан шундай қалима келтирибдилар:

— Емон сўхбатдошдан ёлғизлики яхши. Ёлғизликдан солиқ сўхбатдош яхши. Жим ўтирмақдан яхши сўз айтмоқ яхши. Емон сўзин гапирмоқдан жим ўтирмақ яхши...

Эй ўғил, сен билан эндиги сўхбатиниз дўст, меҳр ҳақида бўлур.

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ
Музаффар МИРЗО

— Хурматли Виллям, яхши сўзбатишни ўзини таништириш билан бошласангиз...

— Амриқонинг Сизга шахриданман. Ешим 28да, бўйдоқман. Туркий тиллар билан шуғулланман. Хозир ўзбек тилини муस्ताқил равишда тадқиқ қиламан. Келажакда мутахассислигим (филология) бўйича яхши бир иш топиш ниятдаман.

— Мутахассислик юзасидан дастлабки билимларни қадрдан олгансиз! Ўзбек тилида сўзлашингиз ёмон эмас...

— Сизга шахрида жойлашган Вашингтон дорилфунунда, осё тилларни факультетида. Кейин Хитойнинг Шинжон дорилфунунда ўқидим. У ерда қозоқ ва уйғур тилларини ўргандим. Сўнгра, Тошкентга келишимга имкон туғилди. 1988-89 йилларда ўн ой давомида ТошДД ўзбек филологияси факультетида ўзбек тилини ўргандим; маърузалар тингладим.

Ўзбекчага ўрганишда менга дорилфунун домласи Муҳаммаджон Қодиров ёрдам берди. Унинг уйда яшадим. Талабалар билан мулоқотда бўлдим. Аммо тилини сиз айтганчалик мукамал билмайман. Негаки, ўзбек тили тубсиз уммон экан. Айниқса, шеваларга бой. Мана Тошкентга йқинчи бор келганимга ярм йилдан ошиб қолди. Аммо шеваларни яхши ўрганоладим, ҳали...

— Камтарлик қилмасиз, чаманда. Жумҳуриятдаги ҳар бир регион аҳолисининг урф-одатлари, кийинишлари, ҳатто ноларигача фарқли оласиз-ку!

— Барибир ўзим қонқмайман-да.

— Виллям, сиз бир неча тилларни биласиз. Нотаниш лисонни ўрганишингиз осон йўллари

борми!

— Осони иккита: бири эшитиш, иккинчиси гапиришга мажбур бўлиш. Бу талабалар ижроси учун то тилини ўргангунча, ўша халқ билан бирга яшаш лозим.

— Мутахассис сифатида ўзбек тилининг ўзига хослиги борасида нималар дея оласиз!

— Янги гап айтишим қийин. Назарий жиҳатдан билимим оз. Хали ўқишим керак. Аммо мен кузатган нарса шуки, Ўзбек адабий тилида сингормонизм (товушларнинг уйғулашиб келиш ҳодисаси) сақланмаган, шеваларнинг кўпчилигида бор. Шу тарафдан адабий тил билан халқ тили ўртасида узилтиш бордек туюлади. Бошқа туркий тилларда қозоқ, уйғур тилларида эса шев

унчалик юқори эмасдек кўринди. Йшнёқ билан ўқийдиганлар кам. Аслида бизда ҳам шу.

Дорилфунунга қабул қилишдаги синов тартиби галати экан. Фақат марказдагина синалади, шекилли. Бизда қабул сал бошқача. Олий ўқув юртига кимки киришни хоҳласа, имтиҳонларни ўзи яшайдиган жойларда топширади. Имтиҳонлари фақат ёзма бўлади. Ёзма ишлар махсус ширкатда баҳоланади. Сиз бир эмас, бир неча дорилфунунга ариза беришингиз мумкин. Аризага кўшиб ўрта мактабдаги баҳоларингиздан кўчирма юборасиз. Ширкат имтиҳон натижаларини сиз/ариза берган дорилфунунларга жўнатади. Ҳар бир дорилфунунда махсус ўлчам (балл)

Яна, сизларда дастлаб ўқишга кирганлар сони қанча бўлса, Беш йилдан кейин ҳам деярли шунача киши диплом олар экан. Ҳайрон қолдим. Бизда эса жуда камайиб кетади.

— Сиз ўзбек зиёлилари билан мулоқотда бўлгансиз. Улар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Узини зиёли деб билган кишилар ўрслашиб кетган кўринади, миллийлиги йўқдек. Ҳар икки томони муҳассам ўзбекларни камроқ учратдим. Улар кўп бўлса ҳам, менга камроқ ураган, шекилли. Ҳайронман. Зиёли бўлиш учун ўрслашиб, овулалашиб шартмакин?

Менга ўзбекларнинг бир-бирини кўрганда самимий саломлашиши, жамоа бўлиб юришлари, ўтиришлари ёқди. Бизда таҳлоқлик, ётсраш кучли.

— Яқинда Ўзбекистондан жўнаб кетар экансиз. Ўзбеклар, Ўзбекистон ҳаётидан бир умр хотирангизда қоладиган нарсалар нималар бўлиши мумкин!

— Албатта, эслайдиган соқалар жуда кўп. Айниқса, Вамақанда борганимда бир қишлоқ уйда маза қилиб қалиб ичганимни, унга ном ботириб еганимни асло унутмасам керак.

— Келгусида қандай ишлар қилишни режалаштиргансиз!

— Хуллас, отук зиёли, билимли мутахассис бўлимоқчиман. Бирор нарса ҳақида аввал билиб, сўнг гапиришни одат қилмоқчиман. Бу — Шарқ ақидаси.

— Китоб ёзиш масалаларини!

— Улар — ниятларимнинг бир қисми, холос.

ВИЛЛЯМ ДИРКС:

ЎЗБЕК ЧАЛОБИНИ УНУТОЛМАЙМАН

хусусиятлари сақланган.

— Виллям, сиз дорилфунунимиз синфхоналарида маърузалар эшитган экансиз, талабалар, домларар хусусидаги фикрларингиз, умуман, биздаги ўқиш жараёни ҳақида нима дея оласиз!

— Дарсларда кўп қатнашмадим. Профессор Озод Шарофиддиновнинг маърузалари тилининг табиийлиги, раволиги учун менга маъқул бўлди. Аммо талабаларнинг билим даражаси

бор. Билим савиянгиз қайси дорилфунун ўлчамига мос келса ўшага қабул қилинади. Аниқроғи, абитуриентларнинг саводхонлик даражаси қисқаланиди. Энг яхшилари юқори савиядаги дорилфунунларга қабул қилинади.

Сизларда ўқиш жараёнидаги имтиҳон олишлар менга маъқул келмади: кишини минг азобга соларкан. Талабанинг талай вақтини ўғирлайди.

Баҳодир ҚАРИМ сўзбатлади.

АЗИЗ ТОШКЕНТЛИКЛАР

Биламиз, Сиз фарзандингизнинг замондан оққада қолишини истамасиз. Техника, электроника асрида у ҳаёт билан ҳамнафас бўлса дейсиз. Бу ёруғ ниятларингизнинг амалга ошишида Сизга ёрдам берамиз. Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳузурда Замонавий компьютер маркази ишлаб турибди. Унда ўнлаб болалар электроника тилини ўрганмоқдалар. Болаларга бу соҳанинг отук мутахассислари, таниқли олимлар дарс ўтишмоқда. Уларнинг ёки қизингиз бекорчиликдан кўча чангитиб чарчаганидан кўра, марказимизга келса, биз уни кучоқ очиб қутиб оламиз. Марказимизда фарзандингиз:

— программалаштиришни, ҳар хил ўйинларни, компьютерларнинг замонавий «тили»ни, ўзбек ва рус тилларини ўрганади;

— дам олади, дўстлар ортиради;

— энг асосийси — фарзандингизнинг фикрлаш қобилияти кенгайади.

Тўла курсни аъло баҳоларга битирган болаларга махсус гувоҳнома ва диплом бериладики, улар олий ўқув юртига киришида, мутахассислик бўйича ишлашда қўл келади.

Фарзандингизни замонавий билимдан бехабар қолдирманг! Компьютер маркази ҳўжалик ҳисобда ишламоқда. Серфарзанд, камдаромадли оналарнинг фарзандларига имтиёзлар берилади.

Манзилимиз жуда қўлай жойда: Намойишлар хёбони — 1. Метронинг «Мустанқиллик майдони» бекати. Автобус, троллейбус, трамвайлар серқатнос. Телефон: 39-14-08.

НИГОҲ Р. АЛЬБЕКОВ суратлаҳдаси



ҲАР ТОНГ...

Ҳар тонг чинидай қилиб супурилган, сув сецилган кўчаларга қараб кўзим қувонади. «Қачон супуришга агуришдийкин?» Ишга шу ўйлар билан қандай етиб келганимни билмай қоламан. Баъзан ўша топ-тоза йўлка четида ўтирган тиланчиларга қараб кўнглим гашланади. Баъзи қўлидан иш келмайдиган чорасизларга, тагига қозони кўрнача қилиб, онасининг тиззасига бошини қўйиб мўлтираб ўтирган болакайларга раҳим келади, баъзиларига эса...

Бу тоифадаги тиланчилар, юзларини оқ рўмолларга беркитганича худо йўлига садақа сўрашади.

Иш тугагач, ҳамма уйга ошиқади. Улар қатори мен ҳам. Уйга кетаётган хануз йўл четида ўтирган тиланчиларга кўзим тушади. Улар уйига ҳамма қатори ошиқмайди...

Баъзи қўлидан иш келмайдиган чорасизларга, тагига газетани кўрнача қилиб, онасининг тиззасига бошини қўйиб мўлтираб ўтирган болакайларга раҳим келади, баъзиларига эса...

Улар бир қўлида оқ рўмол учи билан юзини беркатади. Иккинчи қўл эса сиз томон чўзилади: «Худо йўлига садақа қилинглар».

КУНЛАР ЎТАР

Ота маош оладиган кунни ҳисоблайди:

— Яна шунча кун бор. Ўша кун етиб келди. Маош қўлга тегди. У, қўлидаги яши, сариқ, кўк «қоғозларга тикилганча хаёл суради: «Каттасига пальто олиш керак, кичигига этик, қўшининг қарзини узиш керак, ўртанчига, ўртанчига... барибир етмайди, кейинги маошдан олиб берарман». Оғир хўрсинади.

Ўша сариқ, кўк «қоғозлар бир бозорлик, холос. «Қўлинг кири» дарров ювилади, кетади.

Яна... Ота маош оладиган кунни ҳисоблайди: — Яна шунча кун бор.

Барно СУЛТОНОВА.

СУҚРОТНИНГ ЎТИТИ

Бир киши Суқротга: — Сен дунё нематларидан ўзингни беҳуда махрум қилгансан! — деб қолди.

— Неъмат нима? — деб сўради ундан Суқрот. — Семиз барра гўшти ейиш, шароб ичиш, чиройли кийиниш, гўзаллар билан ишрат қилиш.

Суқрот унга деди: — Бу неъматларнинг ҳаммасини тўнгиз, маймун ва дарранда ҳайвонларга ўхшашини истовчи кишиларга ҳавола қилдим. Бундай қабилдаги кишилар ўз қоринларини ҳайвонлар қориндек иштирадилар, руҳ иморатини тиклаш ўрнига бадан иморатини тиклайдилар!

«Табобат дурдоналари»дан

Бош муҳаррир Қўлман ОЧИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ
Муҳаббат ИБОДОВА
Муъассар МАНСУР
Тўлқин ҲАЙИТ
(масъул котиб).

«Семья и общество»
Издається на узбекском языке
Буюртма 5971
Обуна индекси 64654

● Муҳарририятга келган мақолалар машинкада ёзилган, икки оралликда олти бетдан ошмаслиги лозим.

МУАССИС:
Ўзбекистон Болалар жамғармаси.

20 минг нусхада чоп этилди.

Манзилимиз:
700029, Тошкент — 29, Намойишлар хёбони, 1-бино.
Телефонлар:
Бош муҳаррир — 39-13-59,
Бўлим — 39-43-95.

ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ

Бир воқеани айтсам, куласиз. Тунов кун шеригим билан бир жойга мехмонга бораётган эдик. Куруқ кўл билан бориш ноқулай. Қовун олмақчи бўлдик. Озиқ-овлақат дўконининг ҳолисидеа кўп эмас, кам эмас, йигирма чоғли қовунни териб қўйиб алдай йигит ўлтирган экан. Чертиб-чертиб битта қовун танладик. 10 сўм. Ҳай, олдик...

— Дўконгайм бир кириб ўтайлик, — деди шеригим.

Не кўз билан кўрайликки, ўша ҳовлидаги қовунлар 5—6 сўмдан сотилаётган экан. Одамларни алдаш, чайқовчилик бўлса, шунчалик бўларда.

Ҳамма ерда шу. Магазинда сотилиши керак бўлган нарсалар бозорда, сотувчининг эмас, чайқовчининг қўлида. «Кўй, дегани хўжа йўқ, кўригани бўжи йўқ». Олиб-сотарларнинг ошиғи олчи. Ҳар нарсанинг чеки-чегараси бор-у, чайқовчиликнинг чегараси йўқдай. Шу балодан қутулгизмикинмиз? Қачон?..

У. НАЖИЕВА
Тошкент

ЧАЙҚОВЧИЛАРГА БАЛЛИ

Чайқовчиларга раҳмат, дегим келади. Нега, дейсизми? Агар тамаки чекканингизда эди, ҳеч иккиланмасдан сўзимга қўшилдингиз. Ўйлаб кўрсам, дўкондан тамаки олмаганимга бир йилдан ошибди. Лекин, шукур, чайқовчилар тўфайли чўнтагимдан тамаки аригани йўқ. Миямизга шундай фикрни қўйиб қўйишган: чайқовчи қаллоб, муттаҳам, ёлгончи ва ҳоказо. Тушунмайман, чайқовчи деганини, савдогар деган сўзимиз ҳам бор-ку. Айтишларича, энг савобли қасблардан бири ҳам савдогарлик. Савдогарларни қоралаш учун сунъий равишда чайқовчи сўзи ўйлаб топилган. Чайқовчиларни бутунлай йўқотсак, ҳамма нарса сотувда бўлади, деб ўйлаймиз. Аввало, дўконларни махсулотлар билан таъминлаб қўйиш керак.

Бунинг учун эса чайқовчиларга эркинлик берайлик. Илмон топган, чет эллардан мол олиб келиб сотсин. «Чайқовчи» сўзини унутиб, савдогар деган улук ном билан атайлик, ҳурмат-лаҳиқ, уларни.

А. АШУРОВ
Наманган

Акк-садо

НИЯТДА ГАП КЎП

«Оила ва жамият»нинг 5-сонидеа «Унутманг!» сарлавҳали яхши мақола эълон қилинибди. Унда айтилишича, хотин киши эрининг фамилиясига ўтмагани маъқул. Эмишки, одатимизга эид...

Яқинда бир йигит билан гурунглашиб қолдим.

«Ака, икки-уч қиз билан гаплашдим, менга турмушга чиқишга рози бўлишмади. Энди ота-онам қандай қиз олиб беришга уйланавераман. Барибир. Яхши чикса, хўп-хўп, борди-ю кўнглингдайдай бўлмаса, ажралишаман—тамом!»

Унинг «дардини» тушуниш мумкин. Бироқ, йигит ниятига эътибор беринг. Бундай ниятни яхши деб бўладими? Гарчи у тўғри айтилаётган бўлса ҳам.

Энди ўша, мақолага қайтсак. Агар келин ҳам «Мен тўлиқ эримники бўлишим керак, ҳатто фамилиям ҳам!» деб ҳисобласа, қандай яхши ният қилган бўлади! Унда озгина шубҳа бўлса-чи! Дейлик: «Эрим билан ажралишсам яна қандай қилиб ўз фамилиямга қайтаман?»

Бундай «шубҳа», шун ниёт аралашган иш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Бахтиёр ЭСОНОВ

остиға қўйиб мажақлайверамиз. Айни шу хил ҳатти-ҳаракатлар инсон аталган буюк моҳиятнинг ажралмас бир қисми эканини тан олгимиз келмайди. Эгулик ҳам, ёвузлик ҳам инсонга хос. Инсон ҳам бўри, ҳам кўзичоқдир. Зеро, шоирнинг Сиртлон ўзинг, жайрон ўзинг, дейиши-да бежиз эмас. Демак, биз тўлиб-тошиб, бир-биримизга гал бермай сўкадиганимиз иллатлар аслида, ноинсоний эмас, инсонийдир. Улар инсонга хослиги учун ҳам даҳшатлидир.

Езувчи Мурод Муҳаммад Дўстининг қаҳрамони айтганидек, кундалик ҳаётимизга босиброқ қарасак, ёлгон кетидан ёлгон эргашиб келаверади. Фақат босиброқ қа-

ўйлаб кўрайлик. Ҳозирги болаларни ҳар жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашни ўйлаётган ижтимоий муҳитнинг ўзи соғломми? Дейлик, мактабда ўқитувчи ижтимоий муҳитнинг бир қисми сифатида номоён бўлади. Эътибор қилсак, бу ижтимоий шахснинг аҳволи гоаят ночорлигини сезиб қоласиз. У моддий жиҳатдан кимларгадир қарам. Қарамлигики бор экан, унинг олий инсоний қадриятлар ҳақидаги ўғитлари (боринги сабоқлари дея қолайлик) шунчаки гаплар бўлиб қолаверади-да. У мактабда тўғрилиқ ҳақида гапиради-ю ўзи (кўп ҳатти) ўғрилиқ қилиб яшашга мажбурдир. (Ҳеч бўлмаганда сигирига қолхоз бедоҳасидан бир чимдим ўт олиб келиб солади-ку — қишлоқда; ҳеч бўлмаганда таниш сотувчисидан яширинча яхшигина қўйлақ олиб киярди-ку—шаҳарда. Албатта, биз катталарнинг тасаввуримизда бу нарсалар ўғирлик бўлмай қолган. Лекин, болага сингдирилмоқчи бўлган қадриятлар нукта назаридан ўғрилиқ-да). Шундай бўлгач, болаларнинг тарбиясизлигидан нолиб ўтирмасак ҳам бўлади.

Энди бояги, тарбияда диннинг ўрни, деган гапимизга қайтайлик. Ҳозирги болалар атрофидаги кишиларни қандай ҳолатда кўриб катта бўлишяпти? Тасаввур қилинг: кимдир ароқ ичиб, умрини елга совуради, кимдир қарта ўйнаб тонг оттиради, кимдир ўтмас молини қандай пуллаганини айтиб мақтанади, кимдир шаҳарда илм олиш ўрнига қизларни араб кун ўтказиб танидан нақл қилади, яна қайси бирини айтасиз. Бола бечора бу нотавонларнинг қайси бирига шогирд тушишни билолмай гаранг. Қани инсофий йимондан гапириб дилингни ёритувчи, ҳақиқ ёқлаб ёлгонни қораловчи, ҳалолга ён босиб, ҳаромни куфр сановчи бир покиза донишманд топилса! Шунда беихтиёр ўтмишда тарбия борасидеа мачиту мадрасаларнинг ўрни бўлакча бўлганини ҳис қила бошлайсан. Менимча, қишлоқларда, мачитларни тиклашни тезлаштириш фурсати етди. Болалар мактабдан ололмаётган гапларини мачитдан, ўқитувчиларидеа ололмаётган ибратни диндорлардан олишса, бундан кимга фойдаю кимга зарар? Бундан ташқари, мачитлар кишилар ўртасидеа маънавий-ахлоқий масалаларга нечоғлик ижобий таъсир ўтказиб туради — бўғин ҳам, менимча, ўйлаб кўришга арзийди.

Бир дўстим айтган эдик, ўртача яхши яшамоғинг учун ўртача ўғри бўлмоғинг керак, деб. Албатта, орамизда ҳалолтомоқ, дести тўғри кишилар ҳам оз эмас. Аммо, ўғирлаб кун кўрувчилар анча. Ҳаракатдаги қонун-қоидалар нукта-назаридангина шундай. Инсоний моҳиятдан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, уларнинг ҳам аксари кўпчилиги пок зотлар бўлиб чиқади. Ахир, пахта иши билан қамалганларнинг қанчаси бегуноҳдан-бегуноҳ кетди.

Албатта, жамият бизни атай алдаш нияти билан «қўтиби» маблағ сарфламадигандир. Чунки унинг ўзида алданган эди. Мехрибон устозларимиз бизни лақиллатиш мақсадидагина дафтар-дафтар дарс ёзиб, сочи оқармагандир. Зеро, уларнинг ўзлари-да биздан кам алданмаган. Бизни алданган нарса эса йўқ. У маъно. Ҳақиқатнинг ўзидек, йўқ у ҳақидаги тусмоллар қаби маъхум. Уни қидириб 70 йил оворай сарсон бўлдик.

Энди маълум бўлгатики, Ҳақиқатни қидириб чор тарафга югурининг ҳожати йўқ экан. Негаки, ақли одам аввало ота-бобоси босиб ўтган йўлга бир назар ташлайди, ўзалигини аңглаб олади. Бизнинг фожеемиз шу — ота-бобимиз ўтган йўлдан чалғиб кетдик. Ҳатто, бутунлай бир бегона кишиларни «бобом» деб, фахрландик.

Адашган дил йўл излайди, бугун энди кеч бўлса ҳам ота-боболаримизнинг изларини қидирайлик, бахтни улар юрган йўллардан излайлик. Шоядки, муродга етсак. Алҳамдигиллох, шундай бўлсин!

МУРТАЗО ҚАРШИБОЙ

АЛДАНГАН БОЛАЛИК

деб кўп жавраймиз. Қадимги донишмандлар тарбия ўчоғи дейилганда аввало ҳаётнинг ўзини назарда тутишган. Биз эса, уларни ўраб-чирмаб, ҳаётдан узиб қўйганмиз. Болалар иложи борича ўғрилиқни кўрмаса, поражурлар борлигини ҳаёлига ҳам келтирмаса, деймиз. Ахир, ўғрилари кўрмаган бола эртага ўғриланинг ичидеа қандоқ яшайди, поражур кимлигини билмаган ўспирин эртаси бир кунлар билан не таҳдид мўамала қилади? Қисқаси, мактабга қадам босган болани тарбиянинг тайёр қолиплари кутиб туради, ўн йил ўтиб, бу қолипдан тўнкарилган бола (қўлида етуклик гувоҳномаси билан) кенглик ва эркинлик ҳавосига ўрганаолмай гаранг бўлиб қолади. (Ун йил бир қолипда ётишнинг ўзи бўлмайди). Ана энди қарабсизки, озодликда гангираб турган қўл-оёқсиз ул «гўдақни» отаси Олий ўқув юртига етаклаб келиб турибди-да! Олий ўқув юртларимиз эса шундай «ногиронлар»дан тап тортмай «етук мутахассислар тайёрлаб чиқараверади».

Бир нарса ҳеч кўз олдидан кетмайди: бир гуруҳ ўқувчилар кашшофлар сафига ўтишяпти. Мактабнинг каттаси уларнинг рўбарўсига келиб, қўлини пешонасига пешлайди ва айтади: «Коммунизм иши учун бўл тайёр!» Унга жавобан: «Дом тайёр!» деган ҳайқирқ янграйди. Бу хил манзаралар мактаб йилларининг «ширин хотиралари» сифатида дилимни тирнаб келади. Хўш кашшофларнинг жанговарлигини «синаб кўрадиган» катталарнинг ўзи «Коммунизм иши» дейилганида нималарни тушунишар экан? Дарслар айни қизиган бир паллада шогирдларини далага ҳайдаб солишгани ёки бўлмаса, бир тўйимлик зиёфати деб қайсидир амалдорнинг арзандасига имтиёзли гувоҳнома олиб беришимиз? Мабодео, худо кўрсатмасин, кашшофларнинг «доимий тайёриги» ҳам шундай тасаввурлар доирасида тушунилиб, йўлланма оладиган бўлса, унда... (III) улар «Коммунизм иши учун» эмас, жиноят қилиш учун тайёр туришайтган эканда!

«Тарбия»нинг оқибат-натияжаси шунга олиб келдики жамиятдаги «айрим нопок унсурлар» ҳар бир «тарбия кўрган» одамни ютиб юбораверади. «Тарбия кўрган одам» ноҳо оғиздаги луқмага айланаб қолди.

Бизда шундай бир одат бор, жамиятнинг ахлоқ доирасига эид деб билинган нимаики ҳатти-ҳаракат бўлмасин, барчасини ноинсоний дейилган даҳшатли тамға

райдиган одамнинг ўзи йўқ. Энг ачинарлиси шундаки, бу ёлгоннинг каттаси таълим-тарбия шоҳсупасидеа ўтирибди. Бизга энг олий қадриятлар сифатида тақдим этилаётган ҳар қандай «бебаҳо» ишдан ҳам бориб-бориб бир ишқал чиқиб қолаверади. Дейлик, ўзбек адабиётининг нодир намуналари деб келинган асарлар сиёсатнинг бўронидеа турилган шунчаки бар нарса экани аён бўлади. Халқлар дўстлигининг шарофати ўлароқ био бўлган, дейилувчи қошона, ҳақиқатда оддий бир раҳбарнинг оддий бир ҳиммати билан қурилиб қолгани ойдинлашади...

Шу кезгаче, адабиёт дарсликларидеа (ҳозир ҳам) Ҳамид Олимжон, Уяғун, Комил Яшин, сингари қалам-кашлар ижодларининг илк босқичидеақ сиёсий-мафкуравий жиҳатдан тўғри йўлни танлаб ололганлари хусусидеа айтилиб, Усмон Носир, Ҷўлпон, Фитрат, Ойбек сингари ижодкорлар «адашганлар» гуруҳига қўшиб қўйиларди. Қаранг! Энди аён бўлгатики, «адашган» адилларимиз онгли равишда тўғри йўлдан юрмаган эканлар, сир очилди. Аммо адабий маддоҳлар ёлгоннинг анги бир йўлини қидиришмоқда. Эмишки, «адашганлар»нинг қисмати олдидеа тўғри йўлда турганлар ҳеч бир гуноҳкор эмасмиш. Бутун бир кеманинг чўкиб кетгани аниқ бўлиб турган бир пайтда фалончи-ю-фалончининг оёғи сувга тегмаган эди, дегандай бир гап-да буям!

Ҳозир билмадим, борми-йўқми, аммо биз ўқиган кезларда галати бир «тадбир» бўларди. Байрам яқинлашди дегунча талабалар гуруҳ-гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳга шаҳардаги ҳайкаллар бўлиб бериларди. Шундан сўнг кимдир сўкиниб, кимдир дардини ичига ютиб, «ўзига қарашли ҳайкал» пойига гулдаста қўйиб келарди...

Неча йиллардирки, мактабни тубдан ислоҳ қилиш ҳақида гапирамиз. Бу борада махсус анжуманлар чақириб, алоҳида қарорлар қонунлар ишлаб чиққанамиз қанча. Хўш, бирор нарса ўзгариб қолди-ми?

Қоғоздаги «янгиликлар»ни байроқ қилиб, кимдир номзодлик ишини, кимдир докторлик ишини ёқлаган бўлса ёқлагандир, кимдир олий нишонлар олган бўлса олгандир. Лекин муаммо муаммолигича турибди-ку! Шунча саъй-ҳаракатимиз қаерда қолди?

Биз шу пайтгачеа диннинг тарбиявий вазифасини инкор этиб келдик. Шу босандир барча яхши гапларимиз ҳам охир-оқибатда амалга ошмай қолаверди. Келинг, бир

ЭЛНУРИ СОБИРОВА:

КЎРГАН АЗОБЛАРИМ КАМ БЎЛСА, ЭРИМ УЧУН ЯНА КАМАЛИ

Қаршимда ўтирган ва ҳаяжонланиб сўзлаётган бу аёл олти-етти йил бурун Ўзбекистоннинг энг нуфузли хонимларидан бири эди. Ажаб дунё экан. Уша замонларда бу аёлнинг биргина имоси билан сувлар тескари оқмагандир-у, ҳар қалай, тўхтатиб қўйилгани аниқ. Нуфузли давраларнинг тури уники бўлган. Унинг иштирокида ўтган тўй-томошаларнинг эгаси бу ташрифдан чексиз қувонган, бахтиёр санаган узини... Ҳозир эса, Қорақалпоғистондан келган ошиқ йигитнинг арзу ҳолини эшитганимча, у қабулхонада кутиб ўтирибди. Йигитнинг гаплари қулогимга гоҳ киради, гоҳ йўқ. Уйлаяпман: бу аёл ким эди-ю, ким бўлиб қолди? Бу нима? Мансабнинг, тожу тахтнинг бевафолигими? Ёки тузумнинг иккиюзламличилиги?..

Нима бўлганда ҳам бу аёл кўрган азобларни, кўргуликларни ҳеч кимнинг бошига солгулик қилмасин. Йўқ, ушбу сатрларни ўқиб, «Тамом! Булар Усмонхўжаевни ҳам оқлашмоқчи!» деб ҳаяжонга тушманг. Оқлаш ёки қоралашни мен, худонинг оддий бандаси ўз зиммамга ололмайман. Мени қўлимга қалам олишга ундагани — кун-кеча Ўзбекистонни сўраб-тергаб турган инсонларнинг мана шундай хор бўлиб юриши. Бу жамиятда, ҳаётда ҳеч кимга шафқат йўқлигини яна бир бор эслатиш. Бошига шунчалар кулфат тушганига қарамай, бу аёлнинг синмаганлиги. Билъакс, ўз эрини (ҳақ, ноҳақ эканлигини қўя турайлик!) комил ишонч билан ҳимоя қилаётганлиги. Тан олайлик, бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келвермайди. Ва ниҳоят шу алғовдалғов замонда, тўрт кунлик дунёда кишиларни бир-бирига озгина бағрикенгроқ, озгина меҳрибонроқ, озгина шафқатлироқ бўлишга ундаш. Зеро, қуйида ҳикоя қилинажак кўргиликлардан ҳеч ким — «шоҳ ҳам, гадо ҳам» — муҳофазаланмаган. Буни суҳбатдошимнинг аянчли гаплари ҳам айтиб турибди.

Айтишим керакки, суҳбатимиз жуда оғир кечди. Опанинг ҳаяжонли, лекин қатъий, айна пайтда алам-изтироб тўла сўзларини эшитиш қийин эди. Нима дейишни ҳам билмайсан, киши. Тасаллига сўз тополмайсан.

— Сиз ҳамон ўзингизни Иномжон Бузруквичнинг рафиқаси, деб биласизми! Даб-дурустдан шундай савол берганим учун ээр, аввало... Гапни шундан бошлаганимнинг боиси, биласиз эл озгина элак тўтиб бўлмайди. Миш-мишларга қараганда, сиз у кишидан воз кечган эмишсиз...

— Бекор гап! Сўзимнинг бошидаёқ айтиб қўя қолай — мен учун оила энг муқаддас даргоҳ. Оиланинг қадр-қиммати, дахлсизлиги ҳамма нарсадан юқори. Биз Иномжон ака билан 4-синфдан бирга ўқиганмиз, бир-биримизни севиб оила қурганмиз. Қийинчилик кунларни ҳам, яхши кунларни ҳам бирга кечирдик. Қаерда яшамайлик, қаерда ишламайлик ҳалол меҳнат қилишга, фарзандларимизни ҳам шундай тарбиялашга ҳаракат қилдик. Сиз айтган миш-мишларга келсак, дунё фақат яхши одамлардангина иборат эмас. Бировнинг бошига тушган кулфатдан роҳатланидиганлар ҳам бор.

Қолаверса, Иномжон акани қамашгач, кўп ўтмай, мени ҳам олиб кетишган эди. Ушанда Гдлян, яхшиси эриндан воз кеч, шунда ишинг осон кўчади, деб кўп ундади. Ҳатто шу мазмунда хат-ариза тайёрлаб, менга имзо қўйдириб олмоқчи ҳам бўлди. Жавобим шу бўлдики, унинг ифлос башарасига қараб туфурдим. Мен Иномжон аканинг айбсизлигига ишонаман. У кишидан ўла-ўлгунимча воз кечмайман.

— Сизларни қандай вазиятда қамоққа олишди? Илтимос, шунга батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

Биз Москвада яшаётган эдик. 1988 йил октябр. Соат 14 ларда Иномжон Бузруквич партия мажлисига кетди. У киши чиқши билан, уйга бир неча киши бостириб кириб, эрим порохўрликда гумон қилинаётганлиги учун хонадонимизни тинтув қилишмоқчи эканликларини айтишди. Уйимизни роса тинтув қилиб, қўлларига илинган нарсани олиб кетишди. Менинг хаёлимда эса бир ўй — булар тезроқ кета қолса-ю, Иномжон Бузруквич уларнинг келганини билмаса. Лекин Иномжон ака мажлисга деб чиқиб кетганларича икки кунгача у кишидан дарак бўлмади. Мен телефон қилмаган жой қолмади. Лекин ҳеч кимдан аниқ жавоб ололмадим. Орадан икки кун ўтгач, менга кўнғироқ қилишди: «Эрингиз қамалди».



Элнури Собирова эри ва ўғли билан, қамалишдан олдин.

И. Б. УСМОНХЎЖАЕВНИНГ АЁЛИ БИЛАН СУҲБАТ

АҲРОР АҲМАД

ОИЛА ШАЪНИ

И. Усмонхўжаевнинг «Независимая газета»га берган интервьюсидан:

— Уй-жойдан фойдаланиш идорасига, мажлисига (Усмонхўжаев ўша ерда партия хисобида турган — ред.) бораётган эдим. Идорага кириладиган жойда икки киши турганини кўрдим. «Сиз фалончиевмисиз?» «Ҳа». «Машинага ўтиринг...» Қарасам, қоп-қора «Волга» турибди. Утирдик. Бирини ўнг, иккинчисини чап ёнимга ўтирдик. Узим ўртада қолдим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Гдлянинг, ўзи кўнғироқ қилди.

Жуда мулоим гаплашди. Ҳол-аҳвол сўради. Аблаҳ москвалликлар қаматган эрингизни, деб кўнғил сўраган бўлди. Менга уйдан ташқарига чиқмаслиқни, булган воқеаларни ҳозирча ҳеч кимга айтмаслиқни маслаҳат берди. Шундай қилсак, эрингиз тезроқ қутулиб чиқади, деб тушунтирди. «Бир-икки кун ичда у кўрган-билганларини айтади, сиз эса уларни тасдиқлаб берсангиз, бас, иш тамом», деди. Гапининг охирида яна бир бор ҳеч кимга шикоят қилиб юрманг, воқеадан «каттанинг» ўзи хабардор, деди. Катта деганда у кимни назарда тутди, билолмадим.

Орадан икки ой ўтгач, мени прокуратурага чақиртиришди. Аввал Иванов сўроқ қилди. Эрим, қариндош-уруғларим ҳақида сўради. Сўнг махсус самолётда Тошкентга боришим зарурлигини айтишди. Самолётдан тушаётганда эса ҳибсга олишиб, тўғри турмага жўнатишди. Ордер талаб қилиш ҳам хаёлимга келмабди. Мана энди, орадан шунча вақт ўтгач, биз ҳуқуқ масалаларида нақадар саводсиз эканлигимизни ҳис қилаямиз.

— Айтишарми, сиз қамоқда ўз жонингизга қасд қилмоқчи бўлган экансиз.

— Ҳа, Гдлян бошлиқ 20 га яқин терговчи мени тинимсиз сўроқ қилди. Ҳар бири янги рўйхат олиб қиради, «мана бу одамлар сенга вақт ўтгач, биз ҳуқуқ масалаларида нақадар саводсиз эканлигимизни ҳис қилаямиз».

ичирганим, билмайман, беихтиёр бир қозга қўл қўйиб юборибман. Эртасига ўша рўйхат протоколга киритиш учун қайтадан тайёрланди, машинкаланди. Мен нақадар катта хато қилганимни англаб қолдим. Имзо чекишга энгашганимда қозғани олиб, шартта йиртиб-йиртиб ташладим. Булажак га-лаба нашъаси уларни бир лаҳза доғда қолдирган эканим, сезишмади. Кейин жон қалтада ўзларини столга отишди. Лекин бу пайтда мен ишимни қилиб бўлгандим. Улар мени курсига ўтказиб қўйишди. Беаёв сўкинишиб, бу қўлимнинг учун яна муддат қўшиб берамиз, дейишди. Стол устида шиша қопқоғи турган экан. Олдим қўлимнинг томирини кеса бошладим. Тўғриси, ўша лоҳзаларда ҳеч ҳам оғриқ сезмадим. Терговчилар қоним тирқираб столга сачрагандагина пайқаб қолдик.

— Қариндош-уруғларингиздан яна кимлар қамалди!

— Катта ўғлим, марҳум қайн акамизнинг хотини, қайн опамиз, катта қайн опамизнинг эри, хулласи уч-тўрт кун бўлса-да ўтириб чиққанларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, қариндош-уруғларимиздан жами 23 киши қамоққа олинган эди.

Буларнинг ҳаммасини кейинчалик, озодликка чиққач билдим.

И. Усмонхўжаев:

...ҳар кун «оилам қандай?» деб сўрадим. «Ҳаммаси жойида». Қаму қариндошларимдан тўққиз кишини Гдлян қамоққа ташлаганини фақат май ойида эшитдим: хотиним, ўғлим, синглим, акамнинг хотини — ҳаммаси терговда экан. Мен эса... фахмласам бўларди: уларнинг менга бериб юборган нарсаларини (дастлабкисини ноябрда олгандим) хотиним олиб келган эди. Декабрда кенжа ўғлим, январда ўртанчаси (у Тошкентда яшаётганди), февраль ва мартда ёлғиз ўзи егулик олиб келибди... Москвацевадан (терговчи — ред.) сўрадим: «Светлана Василевна, хотиним тиниб-тинчимайдиган аёл, лекин у мени атиги бир марта сўраб келди?» «Хотинингиз гузала аёл, — деди Москвацева, — энди у сизни бошига уради. Унутиб юборган бўлса керак...» Уша кунлари хотинимни сўроқ қилишаётган экан.

(ДАВОМИ 5-БЕТДА)

(Боши ўтган сонда.)

ОИЛА, ОНА ВА АЕЛНИНГ УРНИ ҲАҚИДА

Эй севиқли фарзандим, аёлинг фарзанд кўрди, демак она бўлди. Расуллилоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам, жаннат онанинг оёғи остиндадир, деганлар.

Аёл кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши — онадир.

Ривоят:

Парвардигорнинг марҳамати билан бир қосиб йигит маънили ва фазилатли бир қизга уйланибди. Турмуши анчайин тикланибди, эл орасида обрўси-эътибори ортибди. Аёлининг истаги билан илм олибди ва амал мартабасига кўтарилбди. У иш билан шу даражада банд бўлибди-ки, кекса, бетон онасини аҳволидан беҳабар қолибди. Унинг «онам хотинининг эъзозидан» деган хаёли пуч эди. Тадбиркор аёл кекса қайнонасини ярим

вайрона кулбада, ўз ҳолига ташлаб қўйганди.

Йигит онасининг аҳволидан ниҳоят-да ачинибди ва аёлини койибди:

қолиб, энаганинг қош-қовоғига ҳам қарашим керакми? Кераги йўқ! Майли, онангизга меҳмонхонага жой қилиб бераман...

— Аё, тавба, мени, ёру-дўстларингизни ёки онангизни денг!

Йигит кулбани қайта жиҳозлаб, онасига ўша ерга кўрпа-тўшак қилиб беришга мажбур бўлибди.

Иттифоқо, дарвиш кифасидаги бир чол бу ҳовлига ташриф буюриб, кампир ётган кулбага йўналибди. Бу чол бир неча бор такрорланибди. Ақл бовар қилмас ҳол рўй берибди. Бир кечада кампир изсиз йўқолибди. Йигит онасини кўп ва ҳўп излабди, аммо топа олмабди. Дарвишнинг на суратини, на сийратини топибди.

Бир кун туш кўрибди. Тушида отаси: «Онагнин сенга ишониб қолдирган эдим. Ишончимни оқлай олмадинг» дебди...

Йигит, оиласидан, фарзандларидан воз кечшишга борибди. Илло онасининг руҳсонини, меҳрини бошқа кўрмабди.

Уғилгинам, бу ривоят сенга бир дарс бўлсин. Илло аввал аёлинг, сўнгра онагн қақирса биринчи онагнининг қақирғига лаббай деб, жавоб қил. (Давоми бор)

АБУ ЛАЙС АС-САМАРҚАНДИЙ

БҮСТОН УЛ-ОРИФИН

— Сен онамни нега шу аҳволга ташлаб қўйдинг?

— Еш болаларингизга қарайми ёки онангинг ифлосини тозалайми? Эрта кетасиз, кеч келасиз, ҳолинг не деб сўрамайсиз?

— Агар онамнинг оғирлиги азоб бераётган бўлса, айт энага ёллай!

— Энди бир камим бир аёғи тўрда, бир аёғи гўрда онангизнинг ташвиши

Аёл айтганидек қилибди...

Бироқ, йигитнинг дўстлари меҳмон бўлиб келганларда меҳмонхонага эмас, кичик бир хонага жой тайёрлайдиган бўлибди. Дўстлари бу ҳолга кўниқолмай, бу хонадондан аста-секин қадамларини уза бошлабдилар. Йигит яна аёлини койибди:

— Сен мени дўстларимдан бездиряпасан.

(БОШИ 4-БЕТДА.)

— Иномжон Бузруковични нима учун қамашди, сизнингча?

— Гдлян раҳбарлик қилган гуруҳда Абдураимов деган терговчи бор эди. У шундай дер эди: «Бу терғаш усулини бизнинг тилимизда «паровоз» дейишди. Паровоз эса Кремлгача бориши керак. Ҳозирча саставининг бошида сенинг эринг, яъни у — паровоз. Айт, у Егор Лигачёвга (КПСС Марказий Қўмитасининг солиқ қотиби — ред.) қарши кўрсатма берсин, шунда Лигачёв «паровоз» бўлади. Иномжон ақали учур мақсадда қамашган.

Иномжон Бузрукович табиятан содда, оқ кўнгил, самимий, ювош, меҳнатқаш одам эди. У киши ҳаммага ишонардилар. Ишонаварардилар. Мана шу у кишининг бошига етди. Уз пайтида Гдлян гуруҳининг Ўзбекистондаги муваффақиятли «юршишга» қаршилик қилмоқчи ҳам бўлгандилар. Буни кўпчилик билмайди. Бизникига тез-тез одамлар келишиб, Гдлян суриштирмай ҳаммани қамаяпти, деб шикоят қила бошлаган эди. Биласиз, Ўзбекистонда гўё 30-йиллар қайтадан бошланганди. Ҳар кун янги-янги одамлар қамаларди. Иномжон Бузрукович бу ҳақда бир неча марта Лигачёвга шикоят айтган, кўнғироқ қилганидан хабардорман. Лекин натижаси бўлмаган. Кейин у киши Гдлянни қақиртирганлар. Халқнинг норозилигини, беғуноҳлар ҳам қамалаётганлигини, терговда қонун-қондалар бузилаётганини тўғрисида эътирозлар кўпчилигини айтди. Шу пайтгача мушугини ҳеч ким ништ деёлмаган Гдлянга бу оғир ботади. У: «Хали кўрамиз, ким тўғри, ким нотўғрилигини», дейди-ю, чиқиб кетади.

Эртасига Москвадан кўнғироқ бўлди. Шундан бошлаб Усмонхўжаевга қарши ҳужумлар бошланди...

— Ҳозир қаерда яшаяпсиз? Янглишмасам, Тошкентда эмас...

— Москвада яшаман, Иномжон Бузруковичнинг солиғи ёмонлашгани учун Ўзбекистон Компартияси Марказқўмитасининг биринчи қотибидан бўшаган, Горбачёвнинг маслаҳати билан, биз Москвага кўчиб келгандик. Кейин ишларимиз чапчасига кетди... Колаверса, на Тошкентда, на Фарғонада дурустроқ уй ҳам қўрмаган эканмиз. Ҳозир ҳамма ишимни йиғиштириб қўйиб, Иномжон ақани — озод қилиш мақсадида елиб-югуриб юрибман. Мен учун бундан муҳимроқ иш йўқ.

И. Усмонхўжаев:

69 йили Москвага, КПСС Марказий Қўмитасига йўриқчиликка (инструктор) тавсия қилишди. 72 йилгача ишладим... Хотиним Москвага сира кўниқолмади... Дим ҳаво, намгарчилик азоб берарди. Унинг буқоғи бор, бўғинлари қақшаб оғрийверарди. Даволоччи дўхтур мени қақирди. «Сиз,— деди у,— аёлингизни майиб қилиб қўйишингиз мумкин. Москва иқлими унга зарарли... Шу боис совуқ тушиши билан уни Тошкентга жўнатадиган бўлдим...

— Хотинингизнинг аҳволи ҳақида раҳбарларингизга бориб айтмадингизми?

— Йўқ-йўқ. Қандай бўларди? Ахир интизом деган нарса бор!..

— Тергов ҳужжатларида сизнинг М. С. Горбачёвнинг рафиқаси Раиса Максимовнага қимматбахо тақинчоқлар совға қилганингиз ҳақида қайд қилинган экан. Шу даъво исботини топдим!

— Агар исботини топганида мен ҳозир сиз билан суҳбатлашиб ўтирмаган бўлардим. Балки Раиса Максимовна ҳам...

— Умуман, у киши билан уйрашганимиз!

— Ҳа, бир марта. Улар М. С. Горбачёв билан Ҳиндистонга кетаётди Тошкентда тўхтаб ўтишган. Аэродромда, сўнг расмий қабул чоғида ва тушлиқда бирга бўлганмиз. Тушлиқда биз ёна-ён ўтирганмиз. У ликопчадаги миллий нақш нимани агла-тади, деб сўради. Мен айрим нақшлар муайян бир мазмунни билдирмайди, лекин шундай бўлса-да, уларнинг бари шарқ санъатининг ўзига хослиги белгисидир, дедим. Жавобим Раиса Максимовнага уналчик маъқул келмади. У, қайтишимга буларнинг мазмунини билиб қўйинг, деб топширқ бериб кетди. Шундан сўнг мен мутахассислар ҳузурига бориб, маслаҳатлашдим. Лекин, улар ҳам нақшлардаги айрим лавҳалар конкрет мазмунга эга эмас, дейишди.

Гдлян эса айнан шу гапни ушлаб олди: сен унга безакли тақинчоқ бергансан! Мен рад қилдим. Гдлян эса, ахир у айнан пора беришга ишора қилган-ку, деди ўшқириб. «У нимага ишора қилганини мен қаёқдан билмай», дедим. Раиса Максимовна билан биз бошқа кўришмаган бўлсак. Қайтишда улар Ҳиндистондан Тошкентга қўнмасдан ўтишди.

— Элури опа, ўзингиз ҳақингизда ҳам гапириб берсангиз...

— 1935 йил Фарғонада туғилганман. Отам урушдан қайтгач, кўп яшамди. Онам ҳаётлар. Иномжон ака билан 1957 йили тўйимиз бўлган. Узим Тошкент тиббиёт институтини битирганман. 1959 йилдан бошлаб Фарғона педагогика институтида дарс бера бошладим. Кейин Иномжон ақани Сирдарё вилоятига ишга ўтказишгач, Гулистон медицина билим юртида, Наманганга кўчиришгач, Наманган институтида ишладим. Тошкентга кўчиб келдик. Физиология илмий-текшириш институтида ишладим. Аёл кишининг иши шу экан-да, эр қаёқда бўлса, ўша ерда. Бир жойда қўним топиб яшамамиз ҳам...

— Илмий даражангиз борми?

— Йўқ. Боя айтганимдай, кўчманчи ҳаёт аввалига ҳалал берди. Кейин, Иномжон ака катта лавозимларда ишлаганларида ўзим унамадим.

— Фарзандларингиз...

— Уч ўғлимиз бор. Ғайратжон Фарғонада, қурувчи. Илҳомжон Тошкентда ирригатор, илмий-текшириш институтидан бирида ишлайди. Шавкатим шарқшуносликда ўқирди, шу воқеалардан кейин ўқийшини Фарғона педагогика институтига кўчириб кетди.

— Гап ўзи келиб қолди: М. С. Горбачёвга ёрдам сўраб мурожаат қилмадингизми!

— Умуман, мурожаат қилмаган идорам қолмади. Москвадагилар-ку, майли, ўзимизникилар ҳам... Ҳеч ким сал жон куйдиргиси келмайди. Ким суд қилган бўлса, ўшаларга мурожаат қилинг, дейишди. Бошим қотиб қолган. Лекин тушқуликка тушганим йўқ. Тушмайман ҳам...

Бу гапларни ёзсангиз, одамлар хаёлидан нималар ўтишини ҳам ҳис қилиб турибман: «Ўзинг пиширган ошни, ўзинг е!» дейишди. Лекин Иномжон ака нима ишга қўл урган бўлса, барини яши ниятда, юртига, халқига шундан шояф фойда келса, деб қилган. У киши айрим масалаларда тажрибасизлик, ҳатто бўшанглик, қатынхисизлик қилгандир. Лекин ҳеч маҳал ўғрлик қилмаган, ёмон йўлга юрмаган.

У киши жуда оғир, мураккаб шароитда ишладиларки, буни кўпчилик миллатдошларим англашини истардим. Марказнинг ҳар бир гапи қонун, эътироз билдириш ўлим билан баробар эди.

Халқимдан, юртдошларимдан бир ўтинчим бор: У кишининг фаолиятига баҳо берганда фақат бугунги кун тарозиси билан эмас, ўша оғир кунлар тоши билан ҳам ўлчанлар. Илтимос.

— Иномжон ақадан хабар олиб турибсизларми!

— Албатта. У киши Нижний Тагилда эканликларидан узоқ ёзишмалардан сўнг мутасадди ташиқлотлардан учрашувга рухсат олдим. Шунда қамоқ бошлигининг ҳузурига кириб: «Иложи бўлса мени шу ерга фароши», идиш-товоқ ювувчимни қилиб ишга олсангиз», деб илтимос қилдим. Ҳайратдан қотиб қолди. Нима бўлса-да, Иномжон ақанинг ёнида бўлсам дегандим. Ишга олмади.

Иномжон ака ҳозир Олмаота яқинидаги қамоқ лагерларидан бирида. Мен у киши учун ҳаммасига тайёрман. Кўрган азобларини оз бўлса, эрим учун яна қамалишга ҳам розиман. Ҳақиқат қарор топмагунча курашавераман!...

И. Усмонхўжаев:

... айтиб туришди, мен эса синглимга хат ёздим. Сўнгра ақамга ҳам ёздим. Улар миллион сўм пул тўплашибди. Гўё тўплаганлари менинг пулларим эмиш. Мени тўғри тушунинг, шунча пул қаёқдан келганини мен билмайман.

— Наҳотки бир миллион пул тўплашибди!

— Тўплашибди. Улар кимнинг пули эканлигини билмайман. 20-30 минг сўми — меники. Отамдан заёмлар қолганди.

— Судгача сиз қанча «қарздор» бўлиб қолдингиз терговчилардан!

— 50 минг 300 сўм. Қолгани ҳисобдан чиқарилди.

— Сиз бу даъволардан бosh тортмадингизми!

— Йўқ, бўйнимга олмадим. Ҳаммасини инкор этдим. Мен одамларни ноҳақдан айбладим, холос.

— Сизни шу 50 минг сўм учун неча йилга қамашди!

— Уч икки йилга.

— Энди нима қилмоқчисиз!

— Ҳақиқат учун курашаман.

Иномжон ака жиноятчи эмас!..

Элури опа шу гапларни айтди-ю, йиғлаб юборди. Орадан бир ой ўтгач, Олмаота яқинидаги қамоқхонада Иномжон ака билан суҳбатлашиб ўтирганимда, у кишидан шундай гапларни эшитдим: «Ҳаммадан Элури Юсуповнага қийин бўлди. Мени деб не азобларни бошдан кечирмади. Озодликка чиқиб ҳам тинмади. Мен бу аёл олдидаги қарзларимни узиш учун ҳам яшашим керак». Ўзбекистоннинг солиқ раҳбари, шундай деди-ю, йиғлаб юборди.

Мен ҳали-ҳануз улар нега, айнан мана шу жойда йиғлаб юборишганининг маъносига етолмайман. Зеро, йиғлайман дейишса, бошқа гаплар, ишлар, ҳолатлар, азоблар етарли эди-ку!..

Балки, бу оила дахлсизлиги, шаъни деган муқаддас тўғй билан боғлиқ армондир.

Биз, бир тўда жўра, ҳар йили кўкланда Самарқандга борар эдик. Албатта, Самарқанд табаррук маднина, осори атиқига бой... Лекин, энди ўйласам, шуларни эиэрат қилиш учунгина бормас эканмиз, Самарқандга.

Бизни кўпинча Илҳомжон таклиф қиларди. Самарқандга йўл олган бошқа ёр-биродарларимизга ҳам Илҳомжонни топшини маслаҳат берадди. Ишончли, меҳр-оқибатли.

Шу тариқа — Илҳомжон биз тўфайли, биз Илҳомжон тўфайли талай ёр-дўст орттирдик. Яхшидан ёдгор. Унинг фожеали ҳалок бўлганини эшитиб, ҳамма бирдай ларзага тушгани шундан.

Халқда «ўладиган бола» деган ҳимматли ибора бор. Илҳомжон билан ака-ўқалик, дўстлик тарихимизни хотирлаб, унинг ана шу хислатли тоифадан бўлганига имон келтираман.

Илҳом Ҳасан адабиётнинг катта йўлидаги ижодкор эди. Зукко олими, изланувчан носир, зийрак мунаққид, меҳрибон мураббий... 32 ёшда!

Бу йил Самарқандга бормадик. Эсласа, одамнинг юраги эриқрайди. Биз у шаҳарга аввало Илҳомжонни истаб, Илҳомжонни қора тортиб борар эканмиз...

Жувонмарг кетган ёш дўстим хотирасига батаётган шу икки оғиз сўзини қандай яқуллашни билмайман. Илҳомжон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ҳазар қилган сийқа, сохта сўзлардан қочгим келади... Лекин шунини айтмас бўлмас — Илҳомжон ҲАСАНДек инсон, Илҳом ҲАСАНДек ижодкорлардиз дўстлар давраси ҳам, адабиёт майдони ҳам нотўқис бўлиб қолар экан...

Эркин АЪЗАМ

ҲИКОЯ

Тушга яқин сал илган ҳаво термичилар чой ичиб, қайта эгатларга тушгунча яна совиқ бошлади. Кучсиз, аммо ўлғудай совуқ шамол турди. Оёқ остида барглр хунук гижрайлади, муз парчаси каби қисирлаб синади. Яланғоч чаногоу поялар бутун далага сарғимтир-қизғиш тус берган. Ҳув уфқлар-гача яқаш шу ранг... Осмон тиниқ, заъфарон кюкш бу тиниқликда мадда болган ярага ўхшаб кўринади. Алланечук ғариб ҳам массум кўёш...

Келинчак, хаёлига шу ўй келган баробар жунжиқди. Негадир маънос тортиди. Қўлларига куҳ-куҳлаб эгиларкан, кўнгли номсиз, ададсиз бир илқилик тусаётганини сездди. У буни совуққа йўйди. Аммо, ажабки, илгариллаб кетган болалар табелчининг қораси ўчиши билан тўпанлаб ялангликда гуриллатиб гўзапоё ёқанда, боргиси келмади. Ортга, тележка тарафга умидворона тикилди. Тележкада, икки хуржунча пахта устида Ибро яхши, бошида қулоқчинининг бири туширилган, бири кўтарилган, эгнида жунжунча камзул, кўкиси очик, шамолга орқа ўгириб, тишлари таклилаб ўтирарди. Уни кўриб баттар совуқ қотди. Назариде совуқнинг барчаси тележкадан, Ибро яхшидан келаетгандек эди. Аммо ҳаял ўтмай яна қаради. Ва шунда дафъатан нега қараганини тушунди. Қизарди, оқарди, яқин берида йилт этган чигит кўринмаси-да, эгилиб, илгариллаб. Уйламасликка, ортга қарамасликка уринди, бўлмади. Уйламай, қарамай бўладими, ахир...

Келинчак бу даладаги ҳар бир бутани ёд билади. Йил бўйи неча марталаб силаб, ёйпаб ўтмади уларни, эҳ-хе... Лекин бирор марта мунчалки совуқ, бегона кўринмаганида улар. Сертафт кўёш ўтида ловуллаб, ёниб қарши олишарди. Даланинг киши билмас бурчидан бир жуфт ёниқ кўзлар жимгина ҳузатаётганини сезаркан, ўзининг ҳам тану жонига ўт кетарди. Энди эса... Келинчак дала чеккаларига мўлтираб тикилди — қуп-қуруқ, кимсасиз. Дугоналари анча илгариллаб кетишибди. Ортга қаради. Ибро яхши бошини лиқиллатиб, хижолатомуз, беўшшов илжайди:

— Со-ову-қ яхши-и...

Келинчак қалтиради. Кўзига ҳамма нарса — мулойим-хунук осмон ҳам, бетафт кўёш ҳам, яланғоч бутаю чаноқлар ҳам бало-қазо каби кўринди. Аксига олиб, совуқ қотгани сайин дилидаги мўбҳам, илқик туйғу тобора алангаланарди. Бийдай дала қафас каби тор келди. Қани эди, қўлингдан келса-ю, ҳаммасига қўл силкиб ҳаё-ҳуйт деб бош олиб кетсанг... Кетсанг, кетаверсанг, оёқ етгунча кетсанг ва билсангки, қайда-дир, оёқ етган жойлардан ҳам нарида кимдир... аллаким сени кутади, зор-зор кутади, кетаверсанг... Кўзлари чанқоқ бўлса унинг, ҳар нафасда юз карра куйдириб, ўлдириб, сўнг яна ўзи тирилтирса... ссиқ кўзлардан вужудингга, жону жаҳонингга бир ўт чир-машса, олов оғушида ўзлингдан кечсанг, ўзлингнинг нутусанг, қани эди...

Келинчакнинг кўз ўнги қоронғи тортиди. Дала ўртасида ёлғиз ўзи сerratийб туриб қолганини сезиб, ўнғайсизланди. Уз номини эшитиб сергақланди. Қизлар гулхани ўраб олишган, қўл силкиб уни қақришарди. Келинчак маънос тортиди. Ҳозир улар олдига боролмаслигини билди. Хўрлиги келди. Ба-

ри бегонадай, етти ёт бегонадай... Улардан, анча бўлди, бегонасираб узоқлаша бошлаган эди, ҳозир буткул узоқлашганини сездди. Уларни кўрмаслик, тагдор қочирқи-ларини эшитмаслик учун ортига бурилди.

Бир зовуц пахтани юқорига узатаркан, томирлари бўртган, совуққа кўкариб, кир-миз тусга кирган қўлни кўриб сесканди. Бир пайтлар унинг чираниб кўтарган фар-тугини пайдор, бақувват қўл осонгина юқо-ри олар, баъзан қўл-қўлга бехос тегиб ке-тар, танларга ширин бир титроқ ўтар, шунда бутун дала каттакон кўзга айлланиб уларга тикилар, ҳатто шамол ҳам бу гуноқкор бан-даларни чўчитишдан ҳадиксиратгандек жим қоларди. Энди эса... Ибро яхши пахтага илашган хас-хашакни эринмай терарди.

— Амаки, табелчига айтарсиз, мен... уйда ишим бор.

— Яхши, яхши, табелчи уришади-да. Аввалгиси яхши эди, кетди, чўлга кетди, тав-ба, чўлда экиб қўйибдим, кетди...

Келинчак элт яттиб юқорига қаради: ав-валгиси!.. Меровсираб тикилган кўзларга дош беролмади. Кўнглидаги қолган-қутган сирларни ҳам бой бериб қўядигандек, кў-зини олиб қочди. Билади, ўзини оварслик-ка солиб юради-ю, ҳамма балони билади. Ибро яхшики сезгач... шармандалики!

Келинчак юқоридан узатилган этакни юл-қиб олди. Бошини эгганча эгатлар оралаб кетди.

«Аввалгиси яхши эди, кетди, чўлга кет-ди...» Келинчак унинг кетганини тўйдан сўнг илк бор далага чиққан куни эшитди. Мийингида кулиб қўйди-ю, йўқ, барибир, дилининг аллақайси бурчи ачшиди. Ачиш-ганига қасдма-қасд кулди, кулдирди, оқибат унутди. Буткул унутгандай бўлувди, бугун... нима жин урди ўзи! Эсининг юс-бутун еб қўйганмисан, тентак қиз, ўйлаб биров одам-ингни қара-ю! Бир пайтлар неки бўлган — бари ўтди-кетди, ҳеч ким билмайди, кул-майди. Энди эслашнинг бало борми... Агар сезиб қолсалар...

Келинчак эрини эсларкан, уззукун хаёли-ни банд этган номаҳрам ўйлар учун уялган-дай, қадамини тезлатди. Уйга ошқиди. Ҳой-наҳой келган бўлсалар, келадиган кунлари бугун. Утган ҳафта ҳам кутди, илҳақ кутди, келмадилар. Тун узун азобга айланди. Тон-гда ҳўл ёстиқни қайга яширишни билмай бо-ши қотди келинчакнинг.

Қайнота-қайнона ёлғиз ўғилларини тилдан қўйишмайди, икки гапининг бирида оғиз-ларидан бол томиб мақташади. Ҳазилими, шаҳарда каттакон идорада ишлаш... Келин-чакнинг қайси-дир кун қайнонаси гаплари-дан қўлоғига... дилига қўйилгани шу бўлди: эри ижарада тураркан, хўжайкаси уни ер-қўкка ишонмас экан, айниқса, қизи — Ма-ликахон, яшашмагур шунақа зебоки, унинг олдидан етти иқлимнинг маликаси ўтавер-сан — ўша, сочи кесик бўлса ҳам, ўзимиз-нинг тилимизда бидирлаб, «акажон, ака», деб атрофида гиргиттон экан, егани олдига, емагани ортида, шаҳризодадай яшаркан, ўх-хў... Қайнота алжираб кетган кампирига лал бурди, хўмайди, киши билмас қўл сил-киди, қайда, шўрлик она кўрган-билганла-ридан маст, мароқ билан хўйқа-қиларди.

Шу-шу, келинчак оромини йўқотди. У энди ўзини бўкирайди ноқулай сезар, ўти-риб-туриши ўзига ёқмай борар, юзига ҳар-кун бирос билдирмай оз-оздан қорақуя суртиб кетаётгандай бўлаверарди. Эҳ, қани иложи бўлса-ю, ойна олдидан нари кет-мас... Аммо, бунинг иложи йўқ эди. Кун бўйи қўйнидаги кафтдақимна ойначага қарашга вақт тополмайди-ю... Қўллари-чи, қўллари ҳам тарашами-ей, қуп-қуруқ, яна тарс-тарс ёрилганига бало борми! Тирноғи... куйиб кетади, келинчак нима қилсин ахир, олса, чаноқ суқилавериб бармоқларини қонталаш қилади, олмай юрса шундай қораяди. Бўл-гани шу экан-да, аслида бўлмаса қийин экан-ов... Шу сабаб, келинчак эри билан якка қолди дегунча, гарчи қоронғи бўлса-да, қўлларини қайга яширишни билмай қон бу-лади. Узини ҳадеб Малика билан солиш-тираверишдан қарчайди-ю, кўнглида алам-ли икор билан бақамти пайдо бўлган «ёл-ғондир, ташвишларим бекордир», деган омонат гумдонан паноҳ топади. Эрининг кўзига тик қараб гап сўролмайди-ю, ҳар сафар кийим-кечакларини, чўнтакдаги қо-ғозларини ўбдан бақамти пайдо бўлган иф-тоқлағач, кўнгли тинчийди. Эри йўлга чиқар-чиқмас олди-қочди ўйлардан қайта вавсасага тушади. Айниқса ўтган ҳафта кел-маганларига... Бугун келадиган кунлари, майли, у сўраб ўтирмайди, бошқалардай мундоқ эллаб гина-кудурат ҳам қилолмай-ди, келсалар бўлгани...

Келинчак ҳар қанча шошаётган бўлмасин, боғ оралаб ўтган яқин сўқмоқни қўйиб яна эгат оралади. Богдан ўтса, ундаги ҳар бир даррахт қийқириб, чапак чалиб, устидан қо-тиб-қотиб куладидигандек туюлади.

Қизлар бу боғқа икки-уч марталаб қат-наб, эстагу рўмолларини мева-чевага тўлдир-иб келишар, уни ҳам ҳоли-жонига қўймай боришга қисташарди. Келинчак эса ҳар са-фар уни-буни баҳона қилиб қоларди. Бор-масди, боролмасди у...

«Вой, тфу, тфу, юрагим ёрилди-я, мун-да нима қиляпсиз!»

«Кўрканг, мен... мен ҳозир... мен сўра-моқчи эдим, бу... совчилар қелаётган экан-ми!»

«Вой, билмасам...»

«Мен... сиз ахир уни билмайсиз-ку! Тўг-рими!»

«Билмасам...»

«Тўхтанг, кетманг, менга қаранг, қулоқ солинг, тўхтанг деялман...»

«Вой, қўйворинг, одамлар... Им-м-м... Мана, мана сизга!» муҳр босилганди улар-га.

Кунни йилгаб кеч қилди.

Ушандан буён бу боғдаги даррахтлардан уялади... кўрқади у.

Бу боғдаги даррахтларни кўрарга кўзи йўқ унинг.

Ҳозир ҳам ёвдан қочган каби ундан тобо-ра узоқлашарди.

Қайнонасини ошхонада кўриб келинчак-нинг юраги ҳаприқди: кептилар!.. Она, у кели-ни бўлиб тушгандан буён, фақат ўғли кел-ган кунларгина ўзи овқат қиларди. Бу келин-чакка тош ботарди — унга ё ишонмайди-лар, ё ўғилларини қизганадилар. Нима, ўғиллари осмондан туширтими, бошқалар-дай бир одамда, тавба. Аммо, ҳозир қай-нонасини ошхонада кўриб, келинчак расма-на қувонди: кептилар, ахир кептилар-да, хайрият!

— Вох, белим-е, тахта бўлди-е, совуқ-да, совуқ,— дея қайнона инқилобдаг ўқловдаги хаамири супрага ёйди.— Ҳай, келинчак қи-мирланг, кеч бўлди, сигирга ўтинг.

Келинчак сездди, чехраси очилиб, юзу кў-зига шодумонлик тегиб чиққани қайнонаси-га ёқмаганини сездди. Тундлашди. «Жон-жон» деб жонининг оладилар-а, сигирлари ҳам ордона қолсин, шунини деб даладан вақт-ли, қайтган экан-да... Намунча тиржаверма-са ўзи ҳам, ёш болаими. Уйга кирмади. Ўзига қолса, кирарди, учиб кирарди. Қай-нонасининг синчков нигоҳидан ҳайқиди.

Сигирни ийдираркан, елкаларига иссиқ бир нигоҳ қадалаетгандек бўлди. Вужудига илқилик югурди. Чидолмади, «ялт» этиб орқага қаради. Кимсасиз, нигоҳсиз ҳовли... Ёлғиз дераза қоп-қорайиб турарди. Алдоқ-чи, сотқин, лаънати кўзлар!..

Келинчак сутни қанятиб олди. Ҳовлини супурди. Ҳазон аралаш хас-хашак ҳийла ту-тади. Ҳовлини тутган оқиш тутун совуқни ҳарна қўвгандек бўлди. Келинчакнинг дили бир оз очилди. Шунда эрининг, елкасида кўвэлик тўни, бошида дўппи, ҳовлига чиқиб келишини жуда-жуда истади. Қайнонасно эри ўтирган уй эшигига чанқоқ тикилди. Эшик тош қотганди, очилмади.

Ниҳоят, келинчак уйга ўзи киришга жазм этди. Учоқдаги қип-қизил чўғни хонандозга олиб энди кўзгаларкан, қайнонаси лапанг келди.

— Менга бера қолинг, келинжон, сиз қо-зонга қаранг, чучвара титилмасин...

Келинчакка энди чинакамига алам қилди. Ўғилларини намуна қизганиб, ялаб-ўргил-масалар! Қўйиб берсам, унга чиппа ёпишиб кетади-қолади, деб қўрқадиларми! Нима, фақат у кишининг ёлғизларими! Ўғиллари унинг ҳам кўз очиб кўргани ахир, унинг ҳам яғонаси ахир, нега тушунишмайди. Уни ҳам ўйлайдиган, уни ҳам қайғурадиган кимса борми ўзи! Келини бўлиб тушибдикки, ҳали ҳеч ким «дилинда не гап», деб сўраган эмас. Тўё қўришмайди, сезишмайди уни. Эри ҳам чимилдиқдан чиқиб кетгани, ҳаф-та-ўн кунда келса, келмади, бўлмаса шу ҳам йўқ. Ахир, ёшгина келинчакка бундан ортиқ жазо борми!.. «Севги, сеvgи дейишди, ишонма, чин сеvgи чимилдиқда тугулади»,— бир пайтлар севишиб турмуш қурган, энди ажралиб, уч бола билан ота укида қодир тикиб олган опасининг бу каби жаврашлари дилига умид солган эди. Аммо, қани ўша, чимилдиқда тугулаган сеvgи, опа, намуна-ча кечкиди ту!.. Куйсанг-у, куйдиролмасанг, ёнсанг-у, ёндиролмасанг — шу ҳам турмуш бўптими!

(ДАВОМИ 7-БЕТДА).

ИЛҲОМ ҲАСАН КЕНГ УЙНИНГ КЕЛИНЧИГИ